O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

*Shu aziz Vatan — barchamizniki*

# O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2004-YIL ■ 11-NOYABR ■ PAYSHANBA ■ 134 (27.309) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

## ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

**меҳнат аҳлини, кам даромадли, кўп болали оилалар, ёлғиз кексалар, пенсионерлар, ногиронлар, талабалар, ишсиз ёшлар манфаатларини ҳимоя қилишни ўзининг асосий вазифаси деб ҳисоблайди**

**ЎзХДП ҳаётидан**

## САЙЛОВОЛДИ МУҲОКАМАСИ

Кеча Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгашида Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашига ХДПдан депутатликка кўрсатилган номзодлар, шунингдек, туман ва шаҳар партия кенгашлари биринчи котиблари иштирокида семинар-тренинг бўлиб ўтди. Уни ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши биринчи котиби С.Аъзамов олиб борди. Семинарда бўлажак сайловларга тайёргарлик ишлари, сайловолди ҳаракатлар муҳокама қилинди. ЎзХДП Марказий Кенгаши котиби Собиржон Усмонов партия IV қурултойи якунлари ва ХДПнинг сайловолди стратегияси бўйича батафсил ахборот берди. Иштирокчилар ўзларини қизиқтираётган масалалар юзасидан фикрлашиб, таклиф ва режалари билан ўртоқлашдилар.

**Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**




**ПАРЛАМЕНТНИНГ КУЧ-ҚУВВАТИ, САЛОҲИЯТИ ЭРТАГА КИМЛАР ДЕПУТАТ БЎЛИШИГА, КИМЛАР ДЕПУТАТ БЎЛИШИ ЭСА ҲАР БИРИМИЗ ЎЗ ФУҚАРОЛИК БУРЧИМИЗНИ ҚАЙ ДАРАЖАДА АНГЛАШИМИЗГА БОҒЛИҚ**





Суратларда: Қамчиқ довонидан ўтган Тошкент — Ўш автомагистрали.

**Р.ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган суратлар.**

## ЙЎЛЛАР РАВОН — МАНЗИЛЛАР ОБОД

Буюк ипак йўлининг Тошкент — Ўш автомагистралида кенгайтириш, таъмирлаш ишлари қизғин давом этмоқда. Автомагистралнинг 147-148 километрларида бетон қопламаси устидан асфальт ётқизиш ишларини Наманган автомобиль йўлларидан фойдаланиш корхонасининг махсус гуруҳи амалга оширмоқда.

— Яқин икки ойдирки, йўлсозларимиз автомагистралнинг белгиланган қисмида устки қатлам қопламасини сифатли ётқизиш иши билан банд. Ўтган муддат ичида 1800 тоннадан ортиқ махсус қоришмали асфальт ётқизилди, — дейди корхона бош муҳандиси Орифжон Қориев. — Бетон қоплама устидан ётқизилаётган асфальт таркибига тўлдирувчи минерал кукуни қўшилган. Бу кукун қоришманинг текислик сифатини ҳам, зичлик даражасини ҳам мустаҳкамлайди.

Иш юритувчи Тоҳиржон Солиев, асфальт ётқизувчилар Тўқашбой Дўсибоев ва Владимир Медведевларнинг ғайратшижоати фарғоналик, андижонлик йўлсозларга ҳам ибрат бўлмоқда.

Юртнинг ободлиги йўлларнинг равонлиги билан ҳам баҳоланади. Зеро, равон йўл хавф-хатарсиз манзиллардир.

**Носиржон ДЕҲҚОНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**



## ХОРИЖЛИК ЭКСПЕРТЛАР ФИКРИ

Ўзбекистонда сайловолди кампанияси доирасида турли халқаро анжуманлар ташкил этилмоқда. Уларда иштирок этаётган хорижлик таниқли сиёсатшунос ва экспертлар Ўзбекистон Республикаси сайлов қонунчилигида мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар модели ўз ифодасини топганини қайд қилишаяпти.

Россия халқаро ва сиёсий тадқиқотлар институти катта илмий ходими Е.Кузьмина хорижий давлатларнинг икки палатали парламентни шакллантиришдаги тажрибаси ҳамда сайлов жараёнида оммавий ахборот воситалари иштирокининг ҳуқуқий ва аҳлоқий жиҳатларига бағишлаб ўтказилган анжуманларда кўплаб долзарб масалалар муҳокама қилинганини таъкидлайди.

— Маъруза ва мунозараларнинг мавзулари менда катта қизиқиш уйғотди, — дейди Е.Кузьмина. — Мен турли мамлакатлар сайлов технологияларининг ўзига хослигини таҳлил қилиш учун янги ахборотга эга бўлдим. Албатта, Ўзбекистон нодир сайлов тизимига эга, деб бўлмайди. Бироқ мамлакатда сиёсий тизим ва фуқаролик жамияти шакллантиришнинг бугунги босқичи учун керакли бўлган барча нарса аниқ-равшан кўрсатилган.

Украина президенти ҳузуридаги Стратегик тадқиқотлар институти бўлим бошлиғи В.Паламарчук Ўзбекистон сиёсий партиялари етакчилари ва вакилларининг янги сайлов қонунчилиги муҳокамасидаги фаол иштироки «Парламентаризм: хорижий давлатлар тажрибаси» мавзуидаги анжуманнинг амалий аҳамиятини оширишга хизмат қилганига эътибор қаратади. Бундай фаол мунозараларнинг самараси ўлароқ, хорижий парламентаризм тажрибаси умумлаштирилди ва Ўзбекистоннинг миллий хусусиятлари эътиборга олинган ҳолда тавсиялар ишлаб чиқилди.

Украиналик экспертнинг фикрича, Ўзбекистон сайлов қонунчилигини ЕХҲТ, USAID, АҚШ Миллий демократик институти, Япония Халқаро ҳамкорлик агентлиги каби нуфузли ташкилотларнинг халқаро экспертизасидан ўтгани ҳам муҳим аҳамият касб этади.

— «Демократик сайловлар ўтказишнинг халқаро андозалари ва Ўзбекистон сайлов қонунчилиги» мавзуидаги анжуман иштирокчиларининг салоҳияти юқори бўлди, — деб таъкидлайди Қозоғистонда нашр этиладиган «Юрист» журналининг бош муҳаррири М.Агибаева. — Ўзбекистон сайлов қонунчилиги ва халқаро андозаларни таққослаш масалаларида холис муносабатни шакллантиришда анжумандаги сермазмун мунозаралар ўта муҳим аҳамият касб этди.

М.Агибаева «давра суҳбати»да Ўзбекистон вакиллари «ҳурматга сазовор» мустақил ва қатъий фикрлар билан иштирок этганини эътироф этади. У Ўзбекистондаги парламент сайловлари сайлов қонунчилигига қатъий риоя қилинган ҳолда ўтишига ишонч билдирган.

**«Жаҳон» АА**

**ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири Нодирбек Ўлжабоев).** Беларус Республикаси Бош вазири Сергей Сидорский раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Мираброр Усмонов билан учрашди.

## БЕЛАРУС БОШ ВАЗИРИНИНГ ТАШРИФИ

Музокарада икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларнинг бугунги аҳволи ва истиқболига оид масалалар муҳокама этилди. Ушбу соҳалардаги ҳамкорликни янада ривожлантириш имкониятлари кўплиги ва уларни ишга солиш давр талаби эканлиги таъкидланди.

Ўзбекистонда Беларус сармояси иштирокида ташкил этилган йигирмага яқин қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Икки мамлакат ўртасидаги йиллик савдо айланмаси ўртача 40 миллион АҚШ долларига тенг.

Беларус Бош вазири Ўзбекистон тасвирий санъат галереяси билан танишди.

**«Обуна — 2005»**

## ЎЗИМИЗНИНГ «ОВОЗИ»МИЗ ҲАР ДОИМ ЖАРАНГЛАБ ТУРСИН



Шифокорман. Қарийб чорак асрдирки, беморларни даволайман. Шунинг учун тажрибамдан келиб чиқиб баъзи фикрларимни айтсам.

Инсон ўз саломатлиги ҳақида тинимсиз қайғуриши керак. Чунки киши бемор бўлса, уйқуси бузилади, еб-ичгани татимайди, ҳаловати йўқолади, ишида барака бўлмайди. Демак, ҳар биримиз аввало соғлигимизни ўйлашимиз керак. Соғлом кишининг жамиятга ҳам кўп фойдаси тегади. Шу маънода, биз фуқаролар соғлигини сақлашда биринчи навбатда бадантарбияга, спорт билан ошно бўлишга катта эътибор бермоғимиз ва буни кундалик одатга айлантирмоғимиз зарур. Чиниққан, тобланган инсондан касаллик узоқлашади.

Иссиқ жон иситмасиз бўлмайди, албатта. Дарднинг келиши осон. Аммо уни даволаш анча мураккаб ҳамда маълум вақтни талаб этади.

Шу ерда муҳим бир гапни айтиб ўтай. Аввало, беморнинг кайфиятини кўтариб сўнг даволашга киришиш керак. Бемор билан табиб бир тарафда бўлса, дард чекинади.

Шубҳасиз, мустақиллик йилларида тиббиёт соҳасида жуда катта сифат ўзгаришлари рўй берди. Даволашнинг энг самарали усуллари қўлланилмоқда. Ташҳис қўйишда замонавий асбоб-ускуналардан кенг фойдаланмоқдамиз. Туманимиз тоғолди ҳудудида жойлашган. Қишлоқ аҳлининг саломатлигини ўйлар эканмиз, энг аввало бугунги кун талабига жавоб берадиган қишлоқ врачлик пунктлари сонини ошириб, уларда хизмат қилувчи малакали шифокорларни кўпайтириш бош вазифаларимиздан бири. Негаки, аҳолининг асосий қисми қишлоқларда яшайди. Ўз-ўзидан равшанки, қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятини тубдан яхшилаб, уларни керакли тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлаш кечиктириб бўлмайдиган вазифадир.

Матбуотга ҳурматим баланд. Вақтли матбуот нашрларини диққат билан кузатиб бораман. Нашрлар орасида мен учун энг севимлиси ўзимизнинг «овози»миз, яъни «Ўзбекистон овози» газетасидир. Шиддат билан ўзгараётган ҳозирги даврда ахборот ҳар қачонгидан-да зарур. Мен ўзимга керакли маълумотларни, мамлакатимиз ва жаҳонда юз бераётган воқеалар хусусидаги ахборотларни асосан «Ўзбекистон овози» газетасидан оламан. Шу сабабли ҳар йили унга обуна бўламиз. Келгуси йил учун ҳам 15 нусхада «Ўзбекистон овози»га ёзилишга қарор қилдик.

Ниятим — «овози»мизда бундан кейин ҳам долзарб мавзудаги таҳлилий-танқидий чиқишлар давом этсин.

**Мамарўзи МАМАЖОНОВ,**
**Фарғона тумани марказий шифохонаси бош врачи, Олий Мажлис депутати**

**Москвада Россия Федерацияси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили В.Лукин ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) С.Рашидова ўртасида ҳамкорликка оид битим имзоланди.**

## ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ СОҲАСИДА ҲАМКОРЛИК

Шартнома ушбу муассасаларнинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини давлат томонидан ҳимоя қилиниши, турли расмий идоралар ва мансабдор шахслар уларга қатъий риоя этиши борасидаги фаолиятига кўмаклашишга қаратилган.

Омбудсманлар инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш масалаларида мунтазам равишда ўзаро ахборот ва тажриба алмашиш, анжуманлар, семинарлар, давра суҳбатлари ва бошқа тадбирларни уюштиришга келишиб олишди.

— Битим Россия ва Ўзбекистон ўртасида имзоланган Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома доирасида тузилди, — дейди В.Лукин. — Биз ўзаро келишувлар мамлакатларимиз демократик тараққиётида янги муҳим босқич бўлиши учун биргаликда ҳаракат қилмоғимиз лозим.

Томонлар имзоланган ҳужжат асосида ўз давлатларида мавжуд халқаро ҳуқуқий механизмларга мос тарзда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш стратегиясини белгилашга имкон яратувчи қўшма институционал лойиҳалар ишлаб чиқиш заруратини қайд этишди.

**Музаффар ЗОҲИДОВ,**
**«Жаҳон» АА**

- **Мамлакатимизда ёши энг улуғ газета — бизнинг газета.**
- **Халқ манфаатлари, миллат манфаати учун кураш бош мақсади бўлган газета — бизнинг газета.**
- **Аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтож қатламини ҳимояловчи газета — бизнинг газета.**
- **Муаммоларни энг кўп, ошкора ёритадиган, инсон ҳақ-ҳуқуқларини изчил ҳимоя қилишга бел боғлаган газета — бизнинг газета.**
- **Бу газета Ўзбекистонимиз овози, сизу бизнинг эркин сўзимиз, овозимиз!**

ФМТ-1

«Ўзбекистон почтаси» Давлат акциядорлик компанияси

АБОНЕНТЛИК Газета **220** Нашр индекси

**ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ**

Обуна сони

2005 йил учун (ойлар бўйича)

| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | | | | | |

Қаерга ____ (почта индекси) ____ (манзилгоҳ)

Кимга ____ (Фамилияси, исми ва отасининг исми)

ФМТ-1

п.в Жойи

Нашрга етказиш варақаси **220** Нашр индекси

**ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ**

| Обунани янги манзилга юбориш | Баҳоси | сўм | обуна сони |
|---|---|---|---|
| | Баҳоси | сўм | |

2005 йил учун (ойлар бўйича)

| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | | | | | |

Қаерга ____ (почта индекси) ____ (манзилгоҳ)

Кимга

BANK XALQ BANKI
ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ
Хизматлар лицензияланган

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ALOQABANK — aniq, tez, ishonchli!
Tel: 137-23-98, 137-10-20, 134-75-57; Faks: 136-76-22.
WWW.alokabank.uz E-mail: info@alokabank.uz
Хизматлар лицензияланган

**Кучли давлатдан кучли жамият сари**

# ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР ВА МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИК

Сайловлар фуқароларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқларини таъминлаб, халқ иродасини намоён қилишнинг таъсирчан воситаси сифатида демократик давлат ҳаётининг бош тамойилини ташкил этади. Эркин ва адолатли сайловлар фуқаролик жамиятининг зарурий элементи, ажралмас қисми ҳисобланади.

Маълумки, ўтган асрнинг иккинчи ярмидан сўнг жаҳон ҳамжамияти, инсон ҳуқуқларини кафолатлаш, тинчликни сақлаш ва ҳамкорликни таъминлаш каби мақсадларга ўзаро саъй-ҳаракатларни бирлаштириш орқалигина эришиш мумкинлигини англаб етди. Натижада, инсоннинг бошқа фундаментал ҳуқуқлари қатори сайлов ҳуқуқига оид универсал халқаро ҳужжатлар ҳам қабул қилинди ва ривожлантирилди.

Ҳозирги кунда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқига доир халқаро меъёрлар, стандартлар асосан Инсон Ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси (1948 й.), Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пакт (1996 й.), Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг Инсоний мезонлар бўйича Конференцияси йиғилиши ҳужжати (1990 й.), Парламентлараро Иттифоқнинг «Эркин ва адолатли сайловлар мезонлари тўғрисида»ги Декларацияси (1994 й.) ва бошқа халқаро ҳужжатларда мустаҳкамланган.

Ушбу ҳужжатларда фуқароларнинг сайловлар орқали намоён бўладиган иродалари давлат ҳокимиятининг асоси эканлиги, ҳар бир фуқаронинг давлат ва жамият ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқини кафолатлаш, сайловларнинг умумий, тенг, тўғридан-тўғри ва яширин бўлиши, овоз бериш эркинлиги, сайлов ҳуқуқларини халқаро мажбуриятлардан ташқари доирада чекламаслик, эркин рақобат ва сайловолди ташвиқотларда тенг шароитларни яратиш, сайловлар жараёнида маҳаллий ва халқаро кузатувчиларнинг иштироки, сайлов ҳуқуқини ваколатли органлар ва бевосита суд орқали ҳимоялаш каби энг муҳим қоида ва принциплар ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон мазкур халқаро ҳужжатларни ратификация қилган бўлиб, Конституциямиз ва сайлов қонунчилигимиз меъёрлари халқаро стандартларнинг талабларига тўла мувофиқ келади. Конституциямизга биноан, ҳар бир фуқаро давлат ва жамият ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эга. Ҳар бир фуқаронинг овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланган.

Сайловларга оид қонунларимизда юқорида таъкидлаб ўтилган муҳим халқаро қоида ва принциплар батафсил мустаҳкамланган. Хусусан, «Фуқаролар сайлов ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида»ги Қонунимизда фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган сайлов ҳуқуқлари давлат муҳофазасида эканлиги, мамлакатимиз фуқаролари ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкий мавқеи, ирқий ва миллий мансублиги, жинси, миллати, тили, динга муносабати, машғулоти тури ва хусусиятидан қатъи назар тенг сайлов ҳуқуқига эгалиги белгилаб қўйилган. Шунингдек, мазкур қонунда 18 ёшга тўлган фуқароларнинг сайлов ҳуқуқига эгалиги, сайловчилар ўз хоҳиш-иродаларини эркин билдириш ва яширин овоз бериш ҳуқуқига эгалиги, сайловчиларнинг хоҳиш-ирода билдиришларини назорат қилишга йўл қўйилмаслиги, сайловчилар умумхалқ овозига қўйилган қарорларни, Ўзбекистон Президентига кўрсатилган номзодларни ва ҳокимият вакиллик органларига кўрсатилган номзодларни ёқлаб ёки уларга қарши ташвиқот юритиш ҳуқуқига эгалиги, бутун сайлов кампанияси кенг ошкоралик асосида тузилиши мустаҳкамлаб қўйилган. Ҳар бир сайловчи сайлов давомида сайлов округлари ва участкаларини тузишга, сайлов комиссиялари таркиби, комиссиялар жойлашган манзили ва иш вақтига, депутатликка номзодларни рўйхатга олиш, овоз бериш ва сайлов якунларига доир ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқига ҳам эга.

Куч ишлатиш, алдаш, қўрқитиш орқали ёки бошқа йўллар билан фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш, референдумда иштирок этиш, сайловолди ташвиқоти олиб боришдан иборат ҳуқуқларидан фойдаланишга тўсқинлик қилиш ёки бу ҳуқуқларни чеклаш Жиноят кодексимизнинг 146, 147-моддаларига асосан жавобгарликка тортилади.

Фуқаролар сайлов ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш, сайлов комиссиялари ва давлат органларининг қарорлари, ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан юқори сайлов комиссиясига ёки судга шикоят қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

Сайлов қонунчилигимизнинг умумий демократик андозаларга тўла мувофиқ келишини кўрсатувчи хусусиятларидан яна бири, сиёсий партиялар билан бир қаторда бевосита фуқаролар ташаббускор гуруҳларининг депутатликка номзод кўрсатиш ҳуқуқининг кафолатланганидир. Унга кўра сайлов ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир фуқаро ёки фуқаролар гуруҳи Олий Мажлис депутатлигига номзодлар кўрсатиш учун тегишли сайлов округининг камида юз нафар сайловчисидан иборат сайловчилар ташаббускор гуруҳини тузиши мумкин. Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига номзодлар кўрсатиш учун эса, камида эллик сайловчидан иборат сайловчилар ташаббускор гуруҳини тузиш кифоя.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, сайлов тўғрисидаги миллий қонунчилигимиз халқаро ҳуқуқий талаб ва стандартларга тўла мувофиқ келади. Шу йил мамлакатимиз тарихида илк бора икки палатали парламентга бўлиб ўтадиган сайловлар жараёнида уларни оғишмай амалга ошириш долзарб аҳамиятга эга бўлиб, у кўп жиҳатдан ҳар биримиз саъй-ҳаракатларимизга боғлиқ.

**Раҳимжон ҲАКИМОВ,**
**Тошкент давлат юридик институти магистри**

***Яккабоғ туманидаги ишбилармон Абдунаби Ғиёсов кўпдан орзу қилиб юрган ишга қўл урди: россиялик ҳамкорлар билан биргаликда мева ва сабзавотларни қайта ишлайдиган корхона қуришга киришди.***

Ишлар юришиб кетди. Россиялик ҳамкорлар барча молиявий ишларни ўз зиммаларига олишди, энг замонавий технологияларни, бошқа ускуналарни келтира бошлашди. Корхонага Венгриядан технологиялар келтирила бошланди. Келажакда жаҳон андозаларига мос равишда маҳсулотлар тайёрланиб, хорижий давлатларга экспорт қилинади.

## ЯККАБОҒДА ҚЎШМА КОРХОНА

Корхонани қуриб, асбоб-ускуналарни ўрнатиб ишга тушириш муддати 2005 йилга қадар тугалланиши режага киритилган. Режага асосан корхона ишга тушса, дастлабки йилда 1500 тонна, кейинги йилларда эса 3 минг тонна томат пастаси, 1000 тонна узум ва олма шарбатлари, 2000 тонна мева шарбатлари тайёрлаб беради. Корхона тўла қувват билан ишга тушса, 3,5 миллион долларлик маҳсулот тайёрланади. Шу билан бирга бу ерда 150-160 нафар янги иш ўринлари очилади, яккабоғлик ёшлар иш билан таъминланадилар. Ҳозирги вақтда корхонани муддатидан олдин ишга тушириш учун тинимсиз ҳаракатлар қилинмоқда. Қурилиш ва монтаж ишларини тумандаги «Ҳисор» қурилиш-таъминлаш ташкилоти амалга оширмоқда. Қурувчиларнинг тез ва сифатли ишларни амалга оширишлари учун барча шарт-шароит яратилган.

Қўшма корхона раҳбарияти ҳозирданоқ деҳқонлар билан маҳсулот топшириш бўйича шартномалар тузиб, ҳамкорликни йўлга қўйди.

Яккабоғ туманидаги «Яккабоғ шароб-консерва» масъулияти чекланган жамият негизида «Агромаҳсулот» Россия — Ўзбекистон қўшма корхонаси янги йилдан ўзининг дастлабки маҳсулотларини чиқара бошлайди. Не ажабки яккабоғлик деҳқон етиштирган маҳсулотлар қайта ишланиб, жаҳон бозорларида ўз ўрнини топса. Қўшма корхона раҳбариятининг ҳам орзулари — ана шундай ўз маҳсулотлари билан хорижликларни лол қолдириш.

**Маҳбуба ОДИЛОВА,**
**«Туркистон-пресс»**

**Сайловлар ҳақида саволингиз борми?**

# САЙЛОВОЛДИ ТАРҒИБОТ-ТАШВИҚОТ МАСАЛАЛАРИ

**Юртдошларимиздан тушган саволларга бу сафар Марказий сайлов комиссиясининг матбуот хизмати раҳбари Шерзод ҚУДРАТХЎЖАЕВ жавоб беради**

***Савол: Депутатликка номзодларнинг сайловолди тарғибот-ташвиқот ишларини хусусий оммавий ахборот воситалари пуллик асосда ёритар экан. Давлат ОАВнинг ёритиш тартиби қандай ва давлат ОАВ деганда қайси ОАВ назарда тутилади?***

**Ғулом БОБОЖОНОВ,**
**Хоразм вилояти, Янгиариқ тумани**

**Жавоб:** Давлат оммавий ахборот воситалари деганда, мулкчилик шаклига кўра давлатга қарашли бўлган ёки давлат улуши асосий қисмини ташкил этган нашрлар, теле ва радиокомпаниялар назарда тутилади. Уларнинг сайловолди ташвиқотидаги иштироки Марказий сайлов комиссияси томонидан аниқ белгилаб берилган бўлиб, **«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов бўйича сайлов кампанияси даврида депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг сайловолди ташвиқотини ўтказишда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиши тартиби тўғрисида»**-га Низомда акс эттирилган. Хусусан, ушбу ҳужжатда даврий матбуот нашрлари депутатликка номзодларга тенг миқдорда босма майдони, бир хил жой, бир хил шрифт ва бошқа тегишли шароитларни яратишлари керак, дейилади. Масалан, давлат телевидениеси ва радиосининг ҳар бир канали номзодлар учун ҳафтасига 40 дақиқадан энг оммабоп вақтда бепул эфир вақтини ажратиши лозим. Давлат босма нашрлари эса ҳафталик босма майдонининг камида 10 фоизини номзодларга бепул бериши лозим. Бундан ташқари, сайлов иштирокчилари ҳақида ахборот тарқатишда ОАВнинг пуллик хизматлари ҳам назарда тутилган бўлиб, ҳар бир номзод ўз имкониятлари доирасида бундан фойдаланиши мумкин. Оммавий ахборот воситалари бу борадаги нарх-наволарни ўзлари белгилашади, биргина шарти шундаки, бу нархлар ҳамма номзодлар учун тенг бўлиши керак.

***Савол: Партия нашрлари ўз партияси ва ундан кўрсатилган номзодларнинг тарғиботи билан бевосита шуғулланади. Бошқа партияларнинг ташвиқоти ҳақида ёзмаслиги табиий. Ташаббускор гуруҳлардан кўрсатилган номзодларнинг фаолиятини пуллик асосда ёритадими ёки бепул?***

**Отабек ЧИННИБЕКОВ, ЎзХДП Самарқанд вилоят кенгашининг «Регистон» газетаси мухбири**

**Жавоб:** Албатта, оммавий ахборот воситалари, хоҳ улар партия нашрлари бўлсин, хоҳ бошқа, ташаббускор гуруҳлар тарғиботини олиб боришга ҳақли. Пуллик хизмат кўрсатилган ҳолда барча тўлов операциялари фақат шартнома асосида тегишли округ сайлов комиссиясининг ҳисоб-рақами орқали амалга оширилади. Эълон қилинган материаллар учун нақд пул бериш ёки бирор-бир маҳсулот билан ҳисоб-китоб қилиш ман этилади.

## ДЕМОКРАТИЯ ТАМОЙИЛЛАРИ ВА ЁШЛАР

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтида ёшларни сайлов ва сайловолди жараёнлари билан таништиришга бағишланган семинар бўлиб ўтди. Халқаро Республика институтининг (АҚШ) Тошкентдаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу тадбирда юртимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялар ёшлар қаноти етакчилари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари, нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга сайловларга тайёргарлик жараёни ва унда ёшларнинг фаол иштироки, парламентаризм ва сайлов тизимлари, сиёсий партияларнинг жамиятдаги роли ва вазифалари, сайлов тўғрисидаги қонунчилик, сайловчи ҳуқуқлари каби мавзулар тадбир иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

**(Ўз мухбиримиз)**

## МИЖОЗЛАРГА ҚУЛАЙЛИК ЯРАТИБ

Хусусий очиқ акциядорлик тижорат «KAPITALBANK» Фарғона вилоятининг иккинчи йирик шаҳри — Қўқонда минибанк шахобчасининг янги бўлимини очди. Бўлим хусусий мижозларга банк хизматининг барча турларини таклиф этмоқда.

Шуни айтиш кераккки, Сурхондарё вилоятида ҳам банк филиалини очиш кўзда тутилган. Бу эса одамларга янада қулайлик яратиш ва ҳар бир мижоз эҳтиёжи ҳисобга олинган ҳолда хизмат кўрсатишга имкон яратади.

Уч йил муқаддам ташкил этилган «KAPITALBANK»нинг жорий йил 1 октябрига бўлган жами активи миқдори 14 миллиард сўмдан ортиқдир. Пойтахтимизда унинг 2 та йирик мижозлар ва 9 та чакана хизматлар маркази фаолият кўрсатмоқда.

**Алишер РЎЗИЕВ**

## ЭЛЛИКҚАЛЪАДА НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИ БАЗАСИ

Элликқалъа тумани маркази — Бўстонда лойиҳа-смета баҳоси 1 миллиард 568 миллион сўмлик (ҳажми 12 минг 650 кубметр бўлган) нефть маҳсулотлари базаси ишга туширилди.

Иншоот тикланишида масъулияти чекланган 2- кўчма механизациялашган жамлама жамоаси қурувчиларининг ҳиссаси катта бўлди. Шунингдек, Нукусдаги 93 ва «Ўзэлектромонтаж»нинг 1-кўчма механизациялашган жамламалар, 260-қурилиш-монтаж поезди, Элликқалъа туман йўл қурилиши бошқармаси, Беруний шаҳридаги «Хумо» масъулияти чекланган жамияти жамоалари ҳамда Хоразмдаги металл ишлаб чиқариш қурувчилари ва муҳандис-техникларининг ҳам улушлари баракали бўлди.

Эндиликда мазкур база ҳудуддаги Элликқалъа, Тўрткўл, Беруний, Амударё туманлари аҳолиси оғирини енгил қилади.

**Реймбой ЕШИМБЕТОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

**Ислоҳот чорраҳаларида**

# ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ҲИМОЯСИ — ДАВР ТАЛАБИ

— Ҳозирги кунда «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» (ИҲҲҚ) жамиятлари ғоят муҳим аҳамият касб этиб боряпти, — дейди **Тошкент вилояти, Бўстонлиқ туман ИҲҲҚ жамияти раиси Муҳаббат Тўхтаева.** — Зеро, мазкур жамиятларнинг ҳақ-ҳуқуқлари «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 30-моддасида **«Истеъмолчилар ўз ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ихтиёрий равишда истеъмолчилар бирлашмаларини тузишлари мумкин. Истеъмолчиларнинг бирлашмалари ўз фаолиятини қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширувчи жамоат бирлашмаларидир»** — деб мустаҳкамлаб қўйилган.

Жамиятимизнинг асосий мақсади — аҳоли ўртасида истеъмолчи ҳуқуқларини ҳимоя қилиш орқали аҳоли манфаатларини муҳофаза этиш ва ички бозорда сотилаётган истеъмол товарлари сифатини ҳамда хавфсизлигини сақлаш, мониторинглар ўтказиш, истеъмолчилар маданиятини ошириб бориб, маърифий ишларни кучайтиришдан иборат.

Шу мақсадда ИҲҲҚ жамиятларига аъзолик ихтиёрий бўлиб, унга асосан 18 ёшдан (жуда қизиқишса 16 ёшдан) қабул қилинади. Аъзолик бадали 545 сўм. Ой сайин 110 сўмдан тўлаб борилади. Туманимиз корхоналари ва муассасаларида ўтказилаётган йиғилишлар ҳамда семинарларда кўпчилик жамиятимизга аъзо бўлиб кириш истагини билдирмоқдалар. Биз уларга аъзолик гувоҳномаси бериш билан бирга истеъмолчилик ҳуқуқлари бузилган ҳолларда ўз ҳақ-ҳуқуқларини тиклашларига ҳам ёрдам кўрсатаяпмиз. Айни пайтда уруш қатнашчилари ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдамлар уюштираяпмиз.

Шу йил бошидан буён жамиятимизга 50 та ёзма ва оғзаки ариза келиб тушди. Уларнинг 95 фоизи ижобий ҳал этилди. «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари, Хотин-қизлар қўмитаси, Маърифат ва маънавият маркази каби нуфузли уюшмаларнинг туман бўлимлари билан яқин ҳамкорлик ўрнатганмиз. Шунингдек, яқинда вилоятда ўтказилган «Юқори маданиятли истеъмолчи» кўрик-танловида фаол иштирок этиб, совринли ўринлардан бирини эгалладик...

Жамият раиси ҳикоясидан кўриниб турибдики, у бошлиқ жамоа истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилишда ибратли ишларга қўл урмоқда. Зеро, истеъмолчи ҳимояси — давр талаби.

**Муяссар ФАЙЗИЕВА,**
**Бўстонлиқ тумани,**
**Ғазалкент шаҳри**

**Долзарб мавзу**

# ГАЗ... НЕГА ОЗ?



БУ МУАММО ХОРАЗМЛИКЛАРНИ ТАШВИШГА СОЛМОҚДА

...Воҳада куз ҳийла салқин келди. Пахта йиғим-терими охирлашган сайин одамлар ташвиши ошди. Боз устига Рамазон ойи эмасми, кўпчилик рўза тутган. Шундай пайтда қувурларда газ босими кескин пасайиб кетганини айтинг... Чарчаб дала юмушларидан қайтган аёл бола-чақаси учун иссиқ овқат пишириши керак. Ота-бобосидан қолган ўчоққа ўт ёқишга мажбурлар.

Газ масаласи вилоятда муаммога айланди.

Истеъмолчиларга қулоқ солинг:

**Ж.СОДИҚОВ, Боғот туманидаги «Деҳқонбозор» қишлоғи фуқароси:**

— Қишлоғимизнинг аксар қисмига газ қувурлари тортилганига кўп вақт бўлса-да, газ йўқ. Масалан, Сайиид Олийжон, Митан маҳаллалари аҳли беш-олти йилки, газ нималигини билмайди. Ёз ойлари қишга ўтин ғамлаш билан овора...

**О.БЕКЧОНОВ, тадбиркор:**

— Хиваликларни газ муаммоси қийнаб келмоқда. Касалхоналар, мактаблар, болалар муассасалари совуқ. Қишлоқларда аҳоли иложсизликдан дов-дарахтларни кесиб ёқишга мажбур... Боғларга путур етмоқда.

**Л.САИДОВА, нодавлат-нотижорат ташкилот — «Янги ҳаёт» маркази раиси:**

— Янгиариқ тумани аҳолиси ўртасида ўтказилган сўров натижасига кўра, газ таъминотидан одамлар норози. Ўтган йиллари кўплаб тут ва бошқа мевали дарахтлар кесиб ёқиб юборилди. Айниқса, Аваз Ўтар номли, «Наврўз», «Хоразм» ширкат хўжаликларида аҳвол ёмон...

**Р.РАҲМОНОВ, Урганч шаҳридаги «Ғамхўрлик» маркази раиси ўринбосари:**

— Шаҳардаги кўп қаватли уйларда ва айрим маҳаллаларда умуман газ йўқ. Бунинг устига электр энергияси таъминотида ҳам тез-тез узилишлар рўй бермоқда. Таом тайёрлаш қийин бўлиб қолди...

**Ш.НИЁЗМАТОВА, Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳудудий жамоатчилик маркази ходими:**

— Аҳолидан газ ва иссиқлик таъминотидаги камчиликлар борасида беш юздан зиёд ариза ва шикоятлар олдик...

Хуллас, Хоразмда ҳозир икки таниш учрашиб қолса, биринчи навбатда бола-чақаларининг соғлигини эмас, кўчасида газ бор-йўқлигини суриштиришади. Тўғри-да, қиш совуғида уйлар иссиқлик билан таъминланмаса, бола-чақа соғлиги хавф остида қолади-да, ахир.

...Ўтган йили қишда — Ўзбекистон Қаҳрамони, раҳматли Машариф ака Қувоқовнинг онасини йўқлаб бордик. Юздан ошган кампирни ўғиллари газ йўқлигидан электр ускуна ўрнатилган кичик бир хонада асраётган эканлар. Онаизорни марҳум ўғли сурати осиғлик хонада суратга олмоқчи бўлдик. Суратчи ўз ишини пухта қилиш учун имилладию, мен эса «кампир аёзлаб қолмасайди», деган ташвишда бўлдим. Боғот туманидаги И.Дўсов номли мазкур ширкат хўжалигида газ таъминоти издан чиққан ҳолатни аҳоли ҳудуддаги сон-саноқсиз иссиқхоналар борлиги билан боғлашмоқда.

...Олдинги йилги воқеа. Ҳазорасп туманига бордик. Обуна масаласи билан қизиқиб, туман халқ таълими бўлимига кирдик. Мудирнинг ташвиши бир олам эди. Ҳаво кескин совуганидан газ камлиги учун мактаблардаги иситиш қозонлари фаолияти тўхтатилган экан...

...Вилоятда газ таъминоти учун масъул раҳбарлар билан суҳбатлашсангиз, истайсизми-йўқми, муаммонинг бир учи газ ҳақи қарзига бориб тақалади. Ҳақиқатан ҳам ҳозиргача вилоятнинг газдан салкам тўрт миллиард сўмлик қарзи бор. Бунинг бир миллиард сўмдан зиёдроғи аҳолиники бўлса, қолгани ташкилотларники.

Тўғри, ҳисоб-китоб ҳалолликни ёқтиради. Қарзни тўлаш ўрнига «бер-бер» деб нола қилиш ҳам инсофдан эмас. Аммо, газ истеъмоли учун ҳисоб-китобни вақтида қилган интизомли фуқароларнинг айби нима? Биров учун биров жавоб бермайди-ку. Ўтган йиллари қарздор фуқаролар ва ташкилотларнинг газ қувурларини узиб ташлаш тажрибаси ҳам қўллаб кўрилди. Аммо, аҳвол ўзгармади.

«Хоразмгаз» ҳудудий газ таъминоти корхонаси маълумотига кўра, ҳозир ҳаво совуган кунларда газга талаб янада ошган. Амалда берилиб турган икки ярим миллион куб метр газ етмаяпти. Октябрь ойининг сўнгги ўн кунлигида меъёрни яна ярим миллион куб метрга оширишга тўғри келди. Аммо аҳвол... Ноябрь ойида етти миллион куб метр газ олиниши, қишда эса бу рақам ўн бир миллион куб метрга етиши белгиланган. Бироқ бундай ваъдалар ҳар йили берилади. Аммо бу барча қишлоқ ва элатларда табиий газ ловуллаб ёнади, дегани эмас. Кўпчилик ҳозир одатдагидек тағин ўтин излаш пайига тушган...

**Рўзимбой ҲАСАН,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

**Инсон ва табиат**

# КУЗ

**Аҳоли сони ва унинг эҳтиёжлари ўсган сайин маиший чиқиндилар миқдори ҳам ошиб бораверишi табиий ҳол. Масалан, ер юзи аҳолиси йилига 1,5-2 фоизга, чиқинди омборлари ҳажми эса 6 фоизга ўсаяпти.**

**Ўзбекистонда бугунги кунда 160 та чиқинди майдони бўлиб, уларнинг кўпчилиги деярли тўлган. Бу чиқинди омборлари эса кўп йиллар давомида атмосфера, тупроқ ва ер ости сувларини ифлослантириб келяпти.**

Куз фасли келиши билан яшиллик ўрнини хазонрезгига бўшатиб беради.

Мавзуимиз — ана шу хазонрезги мавсуми одамларга, турли хизмат кўрсатувчи ташкилотлар учун келтириб чиқарадиган ташвишлар ҳақида.

...Пойтахтимизнинг марказий кўчаларида махсус кийимдаги ишчилар хазон тўплаб юрганига эътибор берган бўлсангиз керак. Булар — шаҳар ободонлаштириш бўлими ходимлари. Йиғилган хазонлар пешма-пеш ташиб кетилади. Уларнинг меҳнати эвазига шаҳарнинг марказий кўчалари озода, йўлакларда, кузда ҳам кўм-кўк турган чимзорларда биронта хазон кўринмайди.

Энди марказдан сал чеккароққа чиқамиз. Кимдир хазон ёқаётганида деразамиздан ичкарига урилаётган тутундан қутилиш учун уни маҳкам ёпиб оламиз. Балки хазонни бир жойга тўплаб, ўзингиз ёқиб юборгандирсиз? Нима бўпти, атрофни тозаладингиз. Шаҳар шароитида ҳовлидан чиққан хазонни қаёққа олиб борасиз, ёқиб юборасиз-да, дейишингиз мумкин. Ҳатто, қишлоқда ҳам йиғилган хазонни ёқиб юбораётган одамлар оз эмас.

Айтиб қўяйлик, хазоннинг ёниши туфайли атроф-муҳитга, кишиларнинг айниқса, болаларнинг саломатлигига етадиган зарар шаҳарда ҳам, қишлоқда ҳам бир хил. Яхшиси, бу ҳақда мутахассиснинг фикрини билсак.

***Жаҳонгир МИРЗАМУҲАМЕДОВ, Тошкент шаҳар санитария-эпидемиология марказининг бўлим мудири:***

**— Хазонлар уюмининг ёқилиши натижасида атмосферага ис гази, углерод оксиди ажралиб чиқиб, нафас сиқиши ва сурункали аллергик касалликлар хуружига сабаб бўлади. Хазоннинг заҳарли моддаларга тўйинган тутуни ўпка орқали қонга сўрилиб, юқори нафас йўлларига салбий таъсир қилади. Бундан ташқари, тутун таркибида саратон (рак) касаллигини қўзғатувчи канцероген моддалар ҳам бор. Хазон ёнганда ҳосил бўладиган тутун ва қурумлар нафақат одам организмига, балки ернинг унумдор қатламига ҳам таъсир қилади.**

**Бир неча йиллардан бери хазонларни ва шох-шаббаларни йиғиш ва компостлаш учун ҳар бир туманда бир нечтадан хандақлар ташкил қилинган.** Аммо барибир хазонлар ёқиляпти. Кимдир бу ҳаракатидан келган зарарни билмаган ҳолатда, кимдир билиб туриб қилади. Болалар шўхлик қилиб ёқиб юбораётган бўлса, уларни тартибга чақириш мумкин. Лекин баъзида фаррошлар ҳам ўзига бириктирилган ҳудудда чиқинди ва хазонларга ўт қўйиб, уни йўқотишнинг энг осон йўли, деб билади. Бунинг қандай оқибатларга олиб келишини балки оддий одамлар билмас, бироқ масъул идоралар, назоратчилар-чи?



Тошкент шаҳар ИИББга қарашли Экология ва тозаликни назорат қилувчи алоҳида милиция батальони бор. Батальон ходимлари бутун шаҳар бўйлаб экологик ҳолатни назорат қилади.

— Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида 24367 ҳолат бўйича баённома тузилиб, қоида бузувчилардан 81 миллион сўмдан ошиқ жарима ундириб олинди. Шундан 5825 таси белгиланмаган жойга ахлат ташлаганлиги, чиқинди ва хазонни ёққанлиги учун, — дейди батальон бошлиғи, подполковник Ёқубжон Ҳошимов.

## ЖОРЖ БУШ ИЛТИМОСИ

Америкада янги президент сайлангач, ҳукуматнинг янги таркиби масаласи тобора долзарб бўлиб бормоқда.

Президент Жорж Буш Оқ уй маъмурияти раҳбари Эндрю Карддан яна 4 йил давомида ўз лавозимида қолишни сўради. Буш Карддан ижобий жавоб олгач, Дик Чейни ва Кондоллиза Райс билан биргаликда ҳукуматнинг янги таркиби ҳақида маслаҳатлашиб олди.

# ЯНГИ КОНСТИТУЦИЯ ИМЗОЛАНДИ

Ўтган ҳафтада Римда Европа Иттифоқининг Конституциясини имзолаш маросими бўлиб ўтди. Унда иштирок этиш учун Италия пойтахтига ЕИнинг 25 аъзо давлатлари раҳбарлари ва ташқи ишлар вазирлари ҳамда Болгария, Румыния, Туркия, Хорватия каби аъзоликка номзод мамлакатлар вакиллари етиб келишди.

Янги Конституция Европа Иттифоқи томонидан қабул қилинган барча ҳужжатлар ўрнида кучга киради. Унга қўл қўйиш маросими ЕИ асосчилари бўлмиш Германия, Италия, Франция, Бельгия, Нидерландия ва Люксембург томонидан Европа иқтисодий ва Европа атом ҳамжамиятларини тузиш ҳақидаги шартнома имзоланган (1957 йилда) залда бўлиб ўтди. Ўшанда бу ҳужжат Рим шартномаси деб ном олганди. Янги «Рим шартномаси», яъни Конституция 21 тилда битилган бўлиб, унинг биргина протокол ва изоҳлардан иборат немис тилидаги нусхаси 341 бетдан иборатдир.

Конституцияга қўл қўйилгач, уни икки йил давомида ратификация қилиш керак бўлади. Европанинг янги асосий қонуни барча аъзо давлатлар парламентларида ратификация қилинмагунча ҳеч қандай кучга эга бўлмайди. 2006 йилнинг охирида Конституция кучга кириб, 450 миллиондан ортиқроқ европаликлар учун мажбурий бўлиб қолиши кутилмоқда.

Яқин орада истеъфога чиқиши керак бўлган Европа комиссиясининг раиси Романо Проди: «Бугун Европа ўзининг сиёсий интеграллашувининг нодир характерини намоён этмоқда», — деди. Италия бош вазири Сильвио Берлускони биринчи бўлиб янги ҳужжатни ратификация қилишини айтди.

Бироқ мутахассислар Конституция баъзи қийинчиликларни келтириб чиқариши мумкин деган фикрда. Чунки ҳозирнинг ўзида интеграллашувни давом эттиришга тайёр бўлган давлатлар билан бир қаторда, бу жараённи унчалик хуш кўрмайдиган мамлакатлар ҳам мавжуд. Айнан интеграциялашувга қарши бўлган давлатлар Европа Иттифоқи томонидан қонун ва қарорлар қабул қилаётганда панд бериши мумкин. Буюк Британия ва Ирландия Шенген зонасига киришга рози бўлмагани бунга яққол мисолдир.

Би-Би-Си агентлигининг маълумот беришича, янги қонун мудофаа ва хавфсизлик борасида ҳам баъзи ўзгаришлар қилишни кўзда тутган. Бу борада Конституцияда қўшма ваколатларни кучайтиришга алоҳида урғу берилган. Бу эса агентлик фикрича мамлакатлар ички суверенитетини бир қатор чеклашга олиб келиши мумкин экан.

Халқаро ҳуқуқий нуқтаи-назардан Конституция давлат тузилишининг асосий принципларини, фуқаролар ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгиловчи асосий ҳужжатдир. Европанинг Конституциясига келадиган бўлсак, бу ҳужжат юқоридаги барча талабларга жавоб бермайди. Чунки Европа Иттифоқи ягона бир супердавлат қуриш ёки 25 давлат орасидаги фарқни бартараф этишга интилгани йўқ.

Римда имзоланган ҳужжат мустақил давлатлар орасидаги шартномадир. У бундан олдин Римда, Маастрихт, Амстердам ва Ниццада имзоланган ҳужжатларни ўзида мужассамлаштиради.

Конституция ЕИнинг ҳуқуқий асосларини мувофиқлаштиради. Даставвал, у ЕИнинг турли институтлар орасидаги муносабатларини аниқ белгилайди. Бундан ташқари, иккита янги лавозим пайдо бўлди. Биринчиси, икки ярим йилга сайланадиган ЕИнинг президентидир. У Европа Иттифоқи Кенгаши томонидан сайланади. Иккинчиси, Иттифоқнинг ташқи ишлар вазири лавозимидир. Унинг вазифаси Европа Иттифоқининг ягона ташқи сиёсатини ташкил қилишдир.



Бирлашиш йўлидаги мавжуд муаммо ва камчиликларга қарамай, ЕИнинг Конституцияси Европада юз йил давом этган ўзаро урушлардан кейин интеграллашув қанчалик юқори нуқтасига етганини кўрсатади. Ягона мақсад учун барча муаммоларни бартараф этиб бирлашаётган Европа дунёдаги бошқа минтақалар учун барқарорлик тимсоли бўлиб қолди.

**Хуршид РАУПОВ**

## XORIJDA

## ҚАРОРГА АСОСАН...

Туркманистон Президенти қарорига асосан озодликдан маҳрум этиш жойларидан 9 мингга яқин судланган шахслар чиқариб юборилди. Бу қарор Рамазоннинг 27 кунида нишонланадиган «Қадр туни» муносабати билан қабул қилинди.

Туркманистонда ушбу қарор 1999 йилдан бери қабул қилинади.

Охирги бир неча йил давомида қамоқхоналардан 130 мингдан ортиқроқ одам чиқариб юборилган ва авф этилган.

## РЕЖА БАЖАРИЛМАЙ ҚОЛИШИ МУМКИН



БМТнинг дунёда бошланғич таълим даражасини ошириш режаси 2015 йилгача амалга ошмай қолиши мумкин.

Бу ҳақда БМТнинг таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО) ҳисоботида маълум қилинди.

Ҳисобот муаллифларининг таъкидлашича, мактабда таълим олаётган болалар сони ошиб бораётганига қарамасдан, уларнинг аксарияти ўқув даргоҳини бошланғич таълимга эга бўлмасданоқ ташлаб кетади.

Дунёда мактабга бормаётганларнинг учдан икки қисмини қизлар ташкил этади. Сайёрамиздаги 800 миллиондан ортиқроқ саводсиз аҳолининг учдан икки қисми аёллардан иборатдир.

Ҳужжатда таъкидланишича, умумий ҳисобда, дунёда 100 миллионга яқин болалар мактабга бормас экан.

## ДАРҲОЛ ЖАВОБ ҚАЙТАРАДИ

Эрон бирор давлат томонидан ҳужумга учрагудек бўлса, албатта жавоб қайтаради. Бу ҳақда Ислом инқилоби қўриқчилари бригадалари етакчиси Муҳаммад Бойкр Золқадр маълум қилди. Унинг айтишича, Эрон нафақат ҳужум қилган давлат ҳудудидаги, балки унинг чет давлатлардаги мулкига қарата ҳам жавоб зарбасини бериши мумкин экан.

Тахминларга қараганда, етакчи БМТ Хавфсизлик Кенгаши Эронга нисбатан санкция киритиши мумкинлиги ҳақида маълумот берганидан кейин чиқиш қилган. БМТ Эрондан ядро дастури устида олиб борилаётган ишларни тўхтатиш ва МАГАТЭ инспекторларини мамлакатга киритишни талаб қилмоқда.

### Давлат арбоблари ҳақида сўз

# ФАЛАСТИНЛИКЛАР ЕТАКЧИСИ

Мана бир неча кундирки, жаҳондаги барча етакчи оммавий ахборот воситалари Фаластин раҳбари Ёсир Арафотнинг саломатлиги ҳақидаги хабарларга алоҳида аҳамият беришмоқда. У даволанаётган Париждаги шифохона олдида журналистлар кун-у тун навбатчилик қилишяпти. Муолажа жараёнини Франция президенти Жак Ширак шахсан ўз назоратига олган. Кўплаб давлат ҳамда жамоат арбоблари баёнотлар билан чиқиб, Фаластин раҳбарининг саломатлиги ёмонлашганлиги муносабати билан ташвиш билдирмоқдалар.



Ёсир Арафот фаластинлик арабларнинг жаҳон тан олган етакчиси, араб дунёсининг танқли давлат арбоби, бутун умрини ватан озодлигига бағишлаган курашчи, Нобель мукофоти соҳибидир. Фаластиннинг қарийб ярим асрлик кураш тарихи унинг номи билан боғлиқ. Шу пайтгача нафақат араб дунёсидаги, балки жаҳондаги мутлоқ кўпчилик давлатларнинг раҳбарлари Фаластиннинг тақдирини, яъни Яқин Шарқ муаммосини Ёсир Арафотнинг иштирокисиз ҳал этиб бўлмайди, деган фикрни қайта-қайта такрорлаб келдилар. Бугун ана шу инсон ўлим тўшагида ётибди.

Айниқса, унинг сафдошлари жиддий ташвишдалар. Гап фақат Фаластинга қарашли ерларда вазиятни назорат қилиш ёки юз бериши эҳтимол бўлган ҳар қандай иғвогарликнинг олдини олишдагина эмас. Арафотнинг сафдошлари у бошлаган ишни давом эттириб, у орзу қилган Фаластин давлатини қуришлари керак. Афтидан, Маҳмуд Аббос ҳам, Аҳмад Қурей ҳам, бошқа етакчилар ҳам ана шу эзгу мақсад йўлида ҳамфикр, ҳамжиҳат бўлиб ҳаракат қилмоқдалар.

Жаҳон жамоатчилиги Фаластин ерида тинчлик ўрнатилишини, тотувлик ва ўзаро ишонч таъминланишини, изчил ва самарали мулоқот йўлга қўйилишини истайди.

Шундай экан, ҳозир имкон қадар минтақада вазиятни мўътадил ҳолатда сақлаб туриш жуда ҳам муҳим ва зарур. Айни пайтда ўйламай босилган ҳар бир қадам, ҳатто англамай айтилган ҳар бир сўз ҳам ортиқча. Бироқ ўтган ҳафтада жаҳон жамоатчилиги кутилмаган ҳолатларнинг, иғвогарона баёнотларнинг, ёлғон ахборотларнинг, ҳеч бир динга ва маънавиятга тўғри келмайдиган хатти-ҳаракатларнинг гувоҳи бўлди. Яъни кимлардир ҳали тирик Арафотнинг «ўлган»лигини байрам қилишди, «араб террористи»ни Қуддусга кўмдирмаймиз деб қасам ичишди. Бундан буён ана шундай иғвогарона ҳолатлардан тийилиб турилмас экан, Яқин Шарқ можароси ҳеч қачон бартараф этилмайди. Арафот вафот этган тақдирда ҳам бундай ҳолатларга йўл қўйиб бўлмайди. Чунки марҳумнинг устидан кулиш, марҳумдан бир парча ерни қизғаниш ҳеч бир динда ва ҳеч бир миллатда йўқ.

Энди Ёсир Арафот ҳақида икки оғиз сўз. У 1929 йилда туғилган. Сиёсий фаолиятга йигитлик пайтидаёқ киришди. Бунга қирқинчи йилларда фаластинлик арабларнинг етакчиси бўлган амакиси, Қуддус муфтиси Амин ал-Ҳусайн туртки берди. Ўшанда фаластинликлар инглизлар босқинига қарши кураш олиб боришарди. Инглизлар 1948 йилда Фаластинни тарк этишганидан кейин ҳудудий тақсимотда араблар билан яҳудийлар ўртасида келишмовчилик пайдо бўлди. Ўша йили ана шу жанжалли ҳудудда Исроил давлати ташкил этилди. Араблар ўз давлатига эга бўлишмади. Натижада минтақада уруш келиб чиқди. Уруш оқибатида 1949 йилда 700 минг нафардан ортиқ фаластинлик араблар ўз ватанларини тарк этиб, қўшни Сурия, Миср ва бошқа араб давлатларидан паноҳ топишга мажбур бўлдилар.

Фаластиннинг ўзида ва фаластинликлар вақтинча паноҳ топган қўшни араб давлатларида ватанни озод қилиш ҳаракати шакллана бошлади. Бу ҳаракат айниқса, талабалар ҳамда ватанпарвар ёшлар ўртасида кучайиб борди. Ал-Фатх ташкилоти бу ҳаракатда етакчи кучга айланди ва 1956 йилдан унга Ёсир Арафот раҳбарлик қила бошлади. Орадан бир неча йил ўтиб, Фаластин Озодлиги Ташкилоти ташкил топди ва ал-Фатх унинг таркибидаги етакчи ҳарбий-сиёсий гуруҳ бўлиб қолди. Ватанни озод қилиш ва Фаластин ерида мустақил давлат қуриш — Ёсир Арафот раис бўлган ва кейинчалик жаҳон ҳамжамияти тан олган ташкилотнинг асосий мақсади эди.

Бироқ 1967 йилда Сурия, Иордания ва Миср билан Исроил ўртасида келиб чиққан уруш минтақани остин-устун қилиб юборди. Урушда Исроил ғалаба қилди ва олти кун ичида Голан тепалиги, Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғи, Ғазо ва Синайни босиб олди. Фаластинга қарашли ерлар бўлакларга бўлинганидан ташқари Миср, Сурия ва Иордания ўз ҳудудларининг бир қисмидан ажраб қолишди. Шундан фақат Мисргина 1973 йилдаги урушда Синайни қайтариб олди. Босиб олинган бошқа ҳудудлар эса 1967 йилдаги ҳолатда қолиб кетди. Бу борада БМТ Хавфсизлик Кенгаши қабул қилган қарорлар бажарилмади.

Ёсир Арафот ўз мақсадига эришиш йўлида дастлаб Миср, Иордания, Жанубий Ливан ҳудудларида туриб фаластинликларнинг озодлик ҳаракатига раҳбарлик қилди. Кейинчалик унинг қароргоҳи Ғазо секторига жойлашди. У бўлғуси Фаластин давлатини Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғи билан Ғазо сектори ҳудудида қуришни мўлжаллади. Ёсир Арафот ўзининг бу улуғ мақсадини фаластин халқининг вакили сифатида ҳатто Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг минбарида туриб ҳам баён қилди. У ўз халқининг манфаатини ҳамда қонуний ҳақ-ҳуқуқини ифодалайдиган етакчи ва курашчи сифатида жаҳонда эътибор топди.

Фаластин раҳбари ўзининг кўп йиллик кураш фаолияти мобайнида мулоқотга мойил сиёсий арбоб сифатида намоён бўлди. Исроил раҳбарлари билан мулоқотдан қочмади. Айниқса, кейинги йигирма йилдан кўпроқ вақт мобайнида Эзер Вейцман, Исхак Рабин, Яхуд Барак, Шимон Перес билан олиб борилган музокараларда унинг мулоқотга мойиллик маҳорати ёрқин намоён бўлди. Саксонинчи йиллар охирида Амстердамда Эзер Вейцман билан бир неча марта учрашиб, Фаластин билан Исроил ўртасида вазиятни юмшатишга эришди. Ҳатто БМТнинг юксак минбарида туриб маълум шартларга кўра Исроилни тан олиши мумкинлигини айтди. 1993 йилда эса Ёсир Арафот Ослода Исхак Рабин билан жуда муваффақиятли музокара олиб борди. Натижада Ғазо сектори ҳамда Иордан дарёси ғарбий қирғоғининг бир қисмида Фаластин мухторияти ташкил этилди. Орадан бир йил ўтиб, Арафотга Нобель мукофоти берилди. Кейинчалик АҚШ президенти Клинтон иштирокида Арафот ва Барак ўртасида олиб борилган музокаралар ҳам самимийлиги билан кўпчиликнинг ёдида қолди.

Охирги уч йил Ёсир Арафот учун жуда оғир бўлди. У қамал ҳолатида яшади. Унга мунтазам таҳдид қилиб туришди. Минтақада вазият тобора кескин тус олиб, Яқин Шарқ тугуни чигаллашиб борди. «Йўл харитаси» режаси ҳам, бошқа ғоя ва таклифлар ҳам қоғозда қолиб кетаверди. Бундай аҳвол, шубҳасиз, Фаластин етакчисининг саломатлигига салбий таъсир кўрсатди. Бугун Яқин Шарқда унинг ўлимини кутаётганлар ҳам, соғайишига умид қилаётганлар ҳам бор. Нима бўлганда ҳам бир нарса аниқ: Ёсир Арафот фаластинликларнинг синалган ва жаҳон эътироф этган етакчиси сифатида тарихда қолади.

**Иброҳим НОРМАТОВ,**
**сиёсий шарҳловчи**

## ГРУЗИЯ НАТОга АЪЗО БЎЛАДИ



Грузия президенти Михаил Саакашвили мамлакат НАТОга аъзо бўлиш ниятида эканлигини тасдиқлади.

— Грузиянинг НАТОга кириши қўшимча хавфсизлик кафолатлари олишнинг яхши имкониятидир, — деди президент.

Шунингдек, у Грузиянинг НАТОга кириши учинчи бир давлат, шу жумладан, Россияга қарши сиёсат эмаслигини алоҳида таъкидлади.

## ЎҒРИЛАРНИ ҚИЗИҚТИРМАЙДИГАН МАШИНАЛАР

Буюк Британияда ўғирлаб кетиш қийин бўлган автомобиллар рўйхати чоп этилди. Бу рўйхат автомобилга ўрнатилган мосламаларнинг зўрлигига қараб эмас, балки олти йил давомида суғурта компаниялари тўплаган маълумотларга асосланган.

Ўғирлаб кетиш мураккаб бўлган автомобиллар рўйхати Швецияда ишлаб чиқариладиган Volvoдан бошланган. Оилавий машиналар орасида Toyota Avensis, «С» класcдаги машиналари ўртасида эса Audi A3 биринчиликни қўлга киритган. Британия мутахассислари кичик русумдаги автомобиллар орасида ўғрилардан энг юқори даражада ҳимояланган Citroen эканлигини тан олишди.

Айни пайтда автомобиль ишлаб чиқарувчилари машиналарни иложи борича ўғриларга қарши ишончли тизимлар билан таъминлашга катта эътибор бермоқдалар. Чунки замонавий харидорни нафақат машинанинг қулайлиги, балки у қанчалик ҳимояланганлиги ҳам қизиқтирмоқда.

# ТАШВИШЛАРИ

**3**

Батальон ходимлари назорат жараёнида «Махсустранс» корхонасига тегишли автомашиналар «чапга» юриб, пул эвазига «буюртма» бажариши каби ҳолатларга кўп дуч келишган. Қолаверса, шаҳар СЭС назорати ходимлари ҳам рейдлар давомида маиший чиқиндилар вақтида олиб кетилмаётгани юзасидан «Махсустранс»нинг барча туман бўлимларига бир неча маротаба жарима солишган... Афсуски, аҳвол ўнгланмаяпти.



**«Германияда фуқаро алоҳида пакетларга жойланган маиший чиқиндиларнинг турига қараб ҳар қайсисини белгиланган контейнерга ташлайди. Махсус жиҳозланган чиқиндихонада ҳатто батарейкалар, ишлатилган тиббиёт воситалари, (масалан шприц) учун ҳам алоҳида кичикроқ контейнерлар мавжуд».**

Бундан бир неча йил олдин чиқиндиларни ташиш, қайта ишлаш технологияларини ишлаб чиқарувчи «Фритц шефер ГМБХ» кампаниясининг иш фаолияти билан танишган Асад Эргашев ўз таассуротлари билан ўртоқлашди. Унинг айтишича, кампания тажриба тариқасида Бухоро шаҳри ҳокимлиги билан шартнома тузиб, 25-30 минг аҳоли яшайдиган микроучасткада чиқиндиларни саралаб, барг ва шох-шаббаларни, пластик ашё ҳамда макулатурани қайта ишловчи технологияни контейнер, транспортлар билан бирга

**4**

комплектланган ҳолда етказиб бермоқчи бўлган. Германияликлар агар технология ўзини оқламаса, уни бир йилдан кейин олиб чиқиб кетишини, барча сарф-харажатларни ўз зиммасига олишини билдирган. 25-30 сотих жойни эгаллайдиган бу технологиянинг шох-шаббани қайта ишлаш техникалари қуйидагича ҳаракатланади: олиб келинган хазон ва шох-шаббалар майдаланади, майдончага ёйилиб, 2-3 кун сув сепилиб, пресслаб турилади. 10-15 кун ичида ўғит тайёр бўлади.



— Германияда табиатни асраш қоидалари болалар боғчасидан бошлаб ўргатилар экан. Уйдан чиққан маиший ахлатни қандай қилиб саралаш, қаерга олиб бориш ҳақида видеотасвир, плакатлар орқали болаларга тушунарли қилиб етказилар экан, — дейди Асад Эргашев. — Немислар бизга технология билан бирга ўқув дастурларини ҳам тақдим қилишмоқчи бўлишди. Германиянинг Магдибург шаҳрида 20-30 йилдан бери хизмат қилаётган пластмасса контейнерларни кўриб, тўғриси ҳайрон қолдим. Бирон жойи тирналмаган.

Асад Эргашевдан тажриба қандай якунланганини сўрадим. Афсуски, тажриба бошланмабди — банк кафолатини олишолмабди...

Тадбиркор ҳозир ҳам компаниянинг вакили сифатида юқоридаги каби технологияларни таклиф қилаяпти.

**5**

«Чиқиндиларни бошқариш» деган ибора тўғриси, бироз ғализроқ туюлади. Балки, бу нарса биз учун янгилик бўлгани учундир. Бугунги кунда бутун дунёда ривожланган мамлакатларда ана шу муаммо устида бош қотириляпти, ечими изланяпти.

Мамлакатимизда «Чиқиндилар тўғрисида»ги қонун қабул қилинган. Шу йилнинг май ойидан БМТнинг Тараққиёт Дастури доирасида «Атроф-муҳит» дастури ва Янги Зеландия ҳамда Словакия Халқаро ривожланиш агентликлари кўмагида Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси чиқиндиларни бошқариш соҳасида Миллий стратегияни ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш юзасидан ҳаракат режасини яратиш бўйича иш бошлади.

**Равшан МАМАТҚУЛОВ, лойиҳа менежери:**

**— Ишни мамлакатда чиқиндиларни бошқариш қандай аҳволда эканлигини ўрганишдан бошладик. Мамлакатимизда йилига 30 миллион кубометр қаттиқ маиший чиқиндилар ҳосил бўлиб, бунинг фақат 5,2 миллион кубометри чиқинди омборларига чиқариб ташланади. Бу икки рақам орасидаги фарқни қишлоқ жойларида чиқинди ҳосил бўлиши нисбатан камлиги билан изоҳлаш мумкин (озиқ-овқат чиқиндиларидан мол учун ем сифатида фойдаланилади).**

**Республикамизнинг айрим шаҳарларида бўлганимизда уч тарафи бетон билан тўсилиб, ахлатхоналар ташкил қилинганлиги, контейнерлар йўқлиги, энг ачинарлиси, улар хонадондан, мактаб ва боғчалардан атиги 50-60 метр узоқ масофада жойлашганлигига ахлатхоналардаги чиқиндилар эса ёқиб юборилаётганлиги каби фактларга дуч келдик.**

**Ривожланган мамлакатларда маиший чиқиндилар билан ишлаш жараёни жуда мураккаблиги чиқиндиларни комплекс бошқариш концепциясини ишлаб чиқишга даъват этди. Энг аввало чиқинди ҳосил бўлишини камайтириш керак, саралаш йўли билан ҳам унинг камайишига эришилади. Энг охирида қайта ишлаб чиқаришга ярамайдиган чиқинди урбанизация қилинади.**

**Маҳаллий ҳокимият ва чиқинди «ишлаб чиқарувчилар» — аҳолининг барча қатламлари иштироки — маиший чиқиндилар муаммосини ҳал этишнинг исталган лойиҳасининг асосий элементидир.**

**Шуниси диққатга сазоворки, мамлакатимизда чиқиндиларни қайта ишлаш бўйича корхоналар иш бошлаган. Жумладан, Самарқанд шаҳрида пластик идишлардан халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариляпти. Самарқанднинг чекка бир қишлоғида эса резина чиқиндилар қайта ишланиб калишлар тайёрланмоқда.**

**6**

**Айни вақтда ривожланган давлатларнинг чиқиндиларни бошқариш тажрибасини ўрганаяпмиз. Албатта бирон-бир мамлакатнинг бу соҳадаги тизимини кўр-кўрона тавсия этиш нотўғри. Ўзбекистоннинг ички имкониятларини ҳисобга олган ҳолда бир неча мамлакат тажрибаси умумлаштириб, ўз дастуримизни яратиш ниятидамиз.**

Бу дастур қандай бўлишидан қатъи назар, унинг асосий иштирокчилари ўзимиз, фуқаролар. Бизнинг атроф-муҳит тозалигига, ўзимизнинг ва ёнимиздаги кишиларнинг саломатлигига бефарқ бўлмаслигимиз кўп нарсани ҳал этади.

**Шарофат ЙЎЛДОШЕВА,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

**ТАҲРИРИЯТДАН: Бизнингча, табиатни асраш, атроф-муҳит тозалиги, экология муаммолари бугун жамоатчиликни ўйлантириб, ташвишга солмоқда. Айниқса, кўпқаватли уйлар атрофида чиқинди ва хазонларни ёқиш ҳоллари кўп учрамоқда. Ҳатто баъзи жойларда хазон ва чиқинди уюмлари кечаю кундуз тутаб ётади.**

**Шу кунларда пойтахтимиз кўчалари ва хиёбонлари, маҳаллаларда хазонларни супуриб йиғиб олиш бўйича кўп ишлар қилинмоқда. Аммо шаҳар катта, устига-устак Тошкент нафақат республикамизда, балки дунёда ҳам энг кўп дов-дарахтларга бурканган шаҳарлардан ҳисобланади. Биргина ҳокимлик кучи билан ҳамма муаммоларни ҳал этиш қийин албатта. Жамоат ташкилотлари, айниқса, маҳаллалар кучидан кўпроқ фойдаланиш зарур деб ўйлаймиз. Энг муҳими ўз уйи, ўз маҳалласи озодалиги учун ҳар бир киши қайғуриши лозим.**

**Шу ўринда табиий бир савол туғилиши мумкин: хазонлар ва чиқиндилар ўз вақтида олиб кетилмаса, ёқиб юборилмаса тўпланиб қоладику... Хўш, унда нима қилмоқ керак?**

**Мақолада кўтарилган муаммо бўйича мутахассислар ва газетхонлар фикр-мулоҳазаси, таклифларини кутамиз.**

**Тож Маҳалнинг 350 йиллигига**

# МУҲАББАТГА ЎРНАТИЛГАН ОБИДА



**Бундан қарийб ўттиз йил муқаддам Ҳиндистонга сафар қилгандик. Илгари ҳам сайёҳ сифатида бу ажойиботлар диёрида бўлгандим. Бу гал Ҳиндистон Ахборот агентлиги таклифи билан ташриф буюрган эдик.**

**Биз ўшанда мамлакатнинг турли диққатга сазовор жойлари, жумладан, Деҳли, Жайпур, Агра, Калькутта, Бомбей, Мадрас каби шаҳарларида бўлиб, кўплаб тарихий обидалар билан танишдик. Деҳлидаги Қутби Минор, Жоме масжиди, Мирза Ғолиб Академияси, Зарзари қабристонидаги шоира Зебунисо қабри, Бомбейдаги Камола Неру боғи, Фил ороли, Араб кўрфазидаги муҳташам саройлар, Ганг дарёси бўйидаги ёдгорликлар, айниқса, Аградаги дунёга машҳур Тож Маҳал мақбараси бизда олам-олам таассурот қолдирган эди...**

**Бу обиданинг бунёд этилганига уч юз эллик йил тўлди. Шу муносабат билан ўша кўрганларимни яна бир бор кўз олдимга келтириб, қаламга олдим.**

Дунёда инсоният ақлини шоширадиган ажойиботлар кўп. Кўҳна Миср эҳромлари ёки буюк Хитой девори жаҳонга қанчалик машҳур бўлса, Ҳиндистондаги Тож Маҳал мақбараси ўз гўзаллиги, ниҳоятда нозик дид асосида бунёд этилганлиги билан асрлар бўйи башариятни ҳайратга солиб келмоқда. Бобурийлар сулоласи вакилларидан бўлмиш Шоҳ Жаҳон барпо этган бу ёдгорлик инсонга, унинг севгиси, меҳр-муҳаббати, садоқатига қўйилган ноёб обида ҳисобланади. Унинг яратилиши ўзига хос тарихга эга.

Ўтмишдан маълумки, Шоҳ Жаҳон Бурҳонпурдаги марахтлар қўзғолонини бостириб ғалаба билан қайтиб келаётганида, ой-куни яқин бўлган севикли хотини Аржуманд бонуни тўлғоқ тутиб қолади. Шоҳ Жаҳон маликани қаттиқ севар, сафару жанглар чоғида ҳам доим уни бирга олиб юрарди. Боиси, малика ниҳоятда гўзал ва оқилалиги, тадбиркорлиги, нозик табиати билан машҳур эди. Бутун сарой аҳли уни ардоқлаб «Мумтоз Маҳал» (яъни, Саройнинг кўрки) деб аташарди.

Маликанинг умри қисқа экан, йўлда тўлғоқ азоблари ичида дунёдан кўз юмади. Аржуманд бону ўлими олдидан Шоҳ Жаҳонга: «Агар мен ўлсам, ортиқ кўз ёши қилманг, сиздан сўнгги илтижойим, илк севгимиз туғилган Жамна дарёси бўйига жаҳонда тенги йўқ ёдгорлик ўрнатинг, у соф севгимиздан умрбод хотира бўлиб қолсин», — деб васият қилади.

Шоҳ Жаҳон маликанинг сўнгги тилагини бажо келтириб, мақбара қуришга киришади. Бу ёдгорлик салкам йигирма йил давомида қуриб битказилади. Уни бутун меҳнатсевар ҳинд халқи барпо этди. Қурилишга Ҳиндистоннинг моҳир усталари билан бирга жаҳондаги кўплаб мамлакатлардан моҳир наққошлар, меъморлар таклиф этилди. Мақбара ичидаги қабр тошлари қўйилган хонага моҳир уста-наққошларнинг номлари олтин ҳарфлар билан битилган... Улар орасида ватандошларимиздан бухоролик уста Ота Муҳаммад, самарқандлик уста Муҳаммад Шариф ва бошқалар бор. Тарихий манбалардан маълум бўлишича, Тож Маҳал мақбараси қурилишида юртимизнинг бошқа шаҳарларидан ҳам усталар, бинокорлару қимматбаҳо тошлардан турли нақшлар ясовчи моҳир заргар-сангтарошлар қатнашган.

Мақбарани томоша қилган киши унинг шаклу шамойили, ҳайратомуз бунёдкорлик, наққошлик намуналарини кўриб усталар меҳнатига таҳсинлар ўқийди, инсон ақл-заковатига қойил қолади. Дарҳақиқат, Тож Маҳал мақбараси шу қадар кўркам, чиройли ҳамда мўъжизаворки, у йилнинг ҳар фаслида эмас, балки ҳар кун, ҳар дақиқада ўзгариб туради.

Ушбу обиданинг яна бир сирли хусусияти бор: сиз унга кириш йўлидан минг турли хаёллар, эзгу туйғулар билан ўтиб кетаётганингизда беихтиёр ортингизга бир қараб қўясиз. Шунда гўё қаср соҳибаси эргашиб келаётгандай туюлади ва аксинча ўша йўлаклардан хаёллар оғушида бораётганингизда эса, Тож Маҳал ноз-карашма билан уялиб сиздан қочаётгандай бўлади. Мақбара лойиҳасини ишлаган моҳир усталар уни бунёд этиш чоғида ана шу хусусиятни ҳам ҳисобга олган бўлсалар ажаб эмас.

Тож Маҳалнинг асосий дарвозаси пештоқига қора мармар тахтачаларга муқаддас Қуръони карим суралари уста ҳаттотлар томонидан шундай моҳирлик билан нақш қилинганки, юқоридан пастга қадар битилган ёзувларга қарасангиз ҳарфлар бир хил ўлчамда кўринаверади. Булар ҳақиқий мўъжиза, инсон зотининг нималарга қодир эканлигига далилдир.

Мақбарани кўриб, гўё эртаклар дунёсига тушиб қолгандай бўласиз, ажиб ҳиссиётлар қалбингизни чулғаб олади. Гўё сиз Шоҳ Жаҳон яшаган ўша замонларга қайтиб, севишганларнинг пок муҳаббатига гувоҳ бўлгандай, севги, садоқат, айрилиқ дардларини тушунгандек бўласиз. Муҳаббатнинг қудратига, бекиёслигига таҳсинлар айтасиз.

Ҳаёт бир жойда тўхтаб турмайди. Давр ўзгаради, тож-тахт, ҳукмдорлар алмашади. Оталар ўрнини фарзандлар эгаллайди. Шоҳ Жаҳон ворислари даврида ҳам мақбара ўз аҳамиятини йўқотмади, бутун дунёга севгининг ўлмаслиги, муҳаббатнинг абадийлигидан сабоқ бўлиб қолаверди... Шоҳ Жаҳоннинг номи дунёдаги тенгсиз обида бунёдкори сифатида тарих саҳифаларига муҳрланди.

Тож Маҳал мақбараси севги-садоқат тимсолидир. У авлодларга ишқ-муҳаббатдан, эзгулик ва муруватдан ҳикоя қилувчи жаҳоншумул мўъжиза рамзига айланиб, абадий яшаб қолаверади.

**Мақсуд ҚОРИЕВ**

## ДОНИШМАНДЛАР АЁЛЛАР ҲАҚИДА

*Дили пок хотин гарчи хунук,*
*Ёмон хулқли хушнамодан тузук.*

✧✧✧

*Агар бўлса ёринг иноқу гўзал,*
*Муродингга етдинг муродинг ўшал.*

✧✧✧

*У бўлса ширин сўзли-ю пок дил,*
*Уни ё хунук, ё гўзал демагил.*

✧✧✧

*Хотин бўлса қобилу ақли расо*
*Эрни шоҳ этар, гарчи бўлса гадо.*

Саъдий ШЕРОЗИЙ

*Олижаноб хотинга киши жуфт бўлса,*
*Уйининг зийнати — оройиши.*
*Ҳусни бўлса кўнгилга марғуб,*
*Яхши ақлли бўлса жонга матлуб.*

Алишер НАВОИЙ

**Интер-спорт**

## САФИННИНГ ЙИРИК ҒАЛАБАСИ



Таниқли теннисчи Марат Сафин Парижда ўтказилган «Мастерс» турнирида ғалаба қозониб, учинчи марта соврин соҳиби бўлди. Мукофот жамғармаси 2 миллион 425 минг евро ҳисобида белгиланган ушбу мусобақанинг ҳал қилувчи учрашувини чех Радек Штепанек билан ўтказган Марат 6:3, 7:6, 6:3 ҳисобида ютуққа эришди. Учрашув эса 2 соат 19 дақиқа давом этди.

Франция пойтахтида ўтказилган аввалги мусобақаларда (2000 ва 2002 йиллар) Сафин ҳам муваффақият қозонган эди. Моҳир теннисчи мавсумни Профессионал теннисчилар ассоциацияси турнири — 13-21 ноябрь кунлари АҚШнинг Хьюстон шаҳрида ўтказиладиган мусобақа билан якунламоқчи.

## ТАЙСОННИ АВСТРАЛИЯГА ЧОРЛАШМОҚДА



Турли вазнлар бўйича собиқ жаҳон чемпиони, ҳозирги пайтда ёш боксчиларни тайёрлаш ҳамда иш юритиш фаолияти билан шуғулланаётган Жефф Фенек қандай бўлмасин Майк Тайсондан Австралияда учрашув ўтказишга розилигини олмоқчи эканини яширмаяпти. Агар Тайсон бундай таклифга кўнса, у Австралияда таниқли ҳисобланган ўта оғир вазнли Кали Мианга рўбарў бўлади. Фенекнинг гапига қараганда, илгари ҳам у Тайсонни Австралияга таклиф этган. Лекин, Тайсон гуруҳидаги баъзи кишиларнинг жиноий ишларга дахлдорлиги маълум бўлгач, бу масала орқага сурилган. Ҳар қалай Фенек бундай тадбир амалга ошадиган бўлса, Австралияда биринчи марта Тайсонни мухлислар ўз кўзлари билан кўрадилар. Муҳими, катта тижорат ютуғи қўлга киритилар экан.

**Тақриз**

# ЯНГИЧА НИГОҲ, ТАЛҚИН

**Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин барча соҳалар каби тарих фани ривожида ҳам янги давр очилди. Ўзбек давлатчилиги тарихининг янги концепцияси асосида ўнлаб асарлар яратилди.**

**Ўзбекистоннинг уч жилдлик янги тарихи нашр этилгани катта маънавий ҳодисага айланди. Аммо тарихимизнинг холис ва ҳаққоний манзарасини тиклаш учун ҳали кўп ишлар қилиш лозим.**

**Профессор Ғуломжон Аҳмаджоновнинг «Россия империяси Марказий Осиёда» деб номланган ўқув қўлланмаси (Тошкент, 2003) ана шу йўналишда яратилган салмоқли тадқиқотлардан биридир.**

Муаллиф XIX асрда Ўрта Осиё халқлари тақдирида Россия ва Англия мамлакатлари қандай рол ўйнаганини холис баҳолаш йўлидан борган. У XIX асрда ижод қилган кўп олимларнинг тадқиқотларида бир ёқламалик, ғаразгўйлик, синфийлик ва шовинистик қарашлар мавжуд эканини кўплаб далиллар асосида исботлаб беради. Айни замонда муаллиф XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрда Ўрта Осиёда кечган воқеаларни жонлантириш асосида турли миллат ва турли оқимларга мансуб олимларнинг асарларидаги камчиликларни ҳам, айрим ижобий томонларни ҳам холис ёритади. «XIX-XX аср оралиғида, — деб ёзади муаллиф, — Европа ва Осиё қитъаларининг улкан майдонларида жўғрофий, иқтисодий ва тарихий жиҳатдан ягона кўп миллатли Россия империясининг вужудга келиши батамом ниҳоясига етди. Тарих бу мамлакатни беқиёс, ҳеч бир давлат билан таққослаб бўлмайдиган даражага етиштириб қўйди». Ана шундан сўнг муаллиф Россия империясининг Буюк Британия, Франция ва бошқа қудратли давлатлардан фарқли томонларини кўрсатади. Империянинг Ўрта Осиёни босиб олиши масаласи чигал ёритилгани сабабларини ҳам тўғри очиб беради.

Профессор Ғ.Аҳмаджонов бир асрдан зиёд даврда ана шу масалага ҳар хил ёндашган турли авлод олимларининг асарларини теран мушоҳада этиш орқали мустамлакачи Россия империяси инқирози сабабларини очиб беради. «Бунинг сабаби, — деб ёзади профессор, — Россия империяси Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқларини куч ва қурол билан ўз истибдодига олганлигида, иқтисодий, сиёсий, ижтимоий соҳаларда ўз ҳукмронлигини ўрнатганлигида, зуғум ва таҳдид мафкурасини одамлар онгига сингдирмоқчи бўлганлигидадир. Бу сиёсат бузиш, вайрон қилиш, қатағонлар ва илмий-маданий соҳаларни кишанлаб туриш ҳисобига амалга оширилган эди. Империалистик Россия ўз менталитетини ҳаммавақт алоҳида ўзгача англаганлиги туфайли Туркистон халқларининг минг-минг йиллик тарихий давлатчилиги, маънавий ва маърифий қадриятларини тан ололмади, рад этди».

Саккиз бобдан иборат бу салмоқли китобда Туркистоннинг истило этилишининг умумжаҳон тарихий жараёнидаги ўрни атрофлича таҳлил этилади. Тарихнависликнинг асосий қирралари: иқтисодиёт, ижтимоий аҳвол, ички ва ташқи сиёсат, озодлик учун кураш, Туркистоннинг чоризм томонидан босиб олиниши муаммосига доир Марказий Осиё тарихнавислиги ва унинг муаммолари ёритилади.

Албатта, муаллифнинг ҳамма фикрлари мукаммал ва холис деб бўлмайди. Унинг айрим баҳолари ва мунозарали хулосалари хусусида баҳслашиш мумкин.

Профессор Ғ. Аҳмаджонов ўз китобида Россия империяси, сўнг Советлар салтанатининг Марказий Осиёдаги сиёсати моҳиятини кенг ва атрофлича таҳлил қилади. Тарихнависликда ҳукм суриб келган чалкаш талқинлар, нотўғри баҳолар ва сохталаштиришларни тўғри кўрсатиб, тарихнинг холис манзарасини яратишга интилади. Бу эса тадқиқотчидан катта ва машаққатли меҳнат талаб қилгани табиийдир. Чунки 130 йилдан бери юзлаб китоблар, диссертациялар, ҳужжатли ва бадиий фильмларда муҳрланган нотўғри баҳоларни тузатиш ва халқимизда, айниқса ўқувчи ва талаба ёшларда тарихимиз хусусида тўғри дунёқарашни шакллантириш жараёни ҳали кўп ва узоқ изланишларни тақозо этади. Ўзбекистон Республикаси Президенти тарихчи олимларга мурожаатида ҳам ана шу масалага диққатни қаратиб, қуйидаги дастурий фикрларни ўртага ташлаган эди:

— Модомики, ўз тарихини билган, ундан руҳий қувват оладиган халқни енгиб бўлмас экан, биз тарихимизни тиклашимиз, халқимизни, миллатимизни ана шу тарих билан қуроллантиришимиз зарур.

Профессор Ғуломжон Аҳмаджоновнинг тадқиқоти ана шу ғояга хизмат қилиб, халқимизни ҳаққоний тарих саҳифалари билан таништиради.

**Ҳамдам СОДИҚОВ,**
**тарих фанлари доктори, профессор**

**Футбол**

# «ПАХТАКОР»НИНГ БИРИНЧИ МАҒЛУБИЯТИ

Яна икки турдан сўнг олий лига жамоалари мамлакат XIII миллий чемпионати баҳсларини ниҳоясига етказишади.

Ўтган турда ўз майдонида «Бухоро» футболчиларини йирик ҳисобда (4:0) мағлубиятга учратган «Пахтакор» жамоаси муддатидан илгари мамлакат чемпионлигини қўлга киритганлигини хабар қилгандик. Мавсумнинг илк учрашувларидан бошлаб барча ўйинларни ҳужумкор руҳда ўтказган «Пахтакор» жамоаси чемпионатнинг 24-турига қадар бирорта ҳам учрашувда мағлубиятга учрамай, ўзига хос рекорд ўрнатди.

Пахтакорчилар фақатгина Наманганда уюштирилган 21-турнинг қолдирилган учрашувида «Навбаҳор» футболчиларига кичик ҳисобда енгилди — 0:1. Ўйиндаги ягона ғалаба тўпини иккинчи бўлимда мезбонлар ҳужумчиси Шуҳрат Мирхолдиршоев киритди. Бу ғалаба эса «Навбаҳор» жамоасини мавсумнинг бронза медалига яқинлаштирди. Энди навбаҳорчилар «Андижон» ва «Металлург» жамоаларига қарши ўтадиган сўнгги икки учрашувда тўрт очкони қўлга киритишса бас.



Мавсумнинг омадсиз икки жамоаси номи ҳам сўнгги турларда маълум бўлади.

Чемпионатнинг 25-тур ўйинлари эса 13 ноябрь куни бўлиб ўтади. Унда қуйидаги жамоалар ўзаро куч синашадилар:

«Насаф» — «Локомотив», «Навбаҳор» — «Андижон», «Қизилқум» — «Нефтчи», «Самарқанд-Д» — «Пахтакор», «Сўғдиёна» — «Машъал», «Бухоро» — «Металлург», «Трактор» — «Сурхон».

**ЙИГИРМА ТЎРТИНЧИ ТУРДАН КЕЙИНГИ ВАЗИЯТ**

| | Ў | Ю | Д | М | Т-Н | О |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **1. «Пахтакор»** | **24** | **21** | **2** | **1** | **75-10** | **65** |
| **2. «Нефтчи»** | **24** | **19** | **2** | **3** | **56-25** | **59** |
| **3. «Навбаҳор»** | **24** | **17** | **3** | **4** | **58-19** | **54** |
| 4. «Насаф» | 24 | 16 | 3 | 5 | 58-26 | 51 |
| 5. «Трактор» | 24 | 12 | 1 | 11 | 40-45 | 37 |
| 6. «Локомотив» | 24 | 10 | 6 | 8 | 35-27 | 36 |
| 7. «Бухоро» | 24 | 9 | 3 | 12 | 28-42 | 30 |
| 8. «Сўғдиёна» | 24 | 9 | 2 | 13 | 23-42 | 29 |
| 9. «Қизилқум» | 24 | 6 | 7 | 11 | 27-44 | 25 |
| 10. «Металлург» | 24 | 7 | 3 | 14 | 22-43 | 24 |
| 11. «Машъал» | 24 | 6 | 3 | 15 | 27-39 | 21 |
| 12. «Сурхон» | 24 | 6 | 2 | 16 | 21-49 | 20 |
| **13. «Самарқанд-Д»** | **24** | **5** | **2** | **17** | **21-45** | **17** |
| **14. Андижон** | **24** | **5** | **1** | **18** | **28-63** | **16** |


*Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли*

**ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ**

14.00.22 — «Травматология ва ортопедия» ихтисослиги бўйича аспирантурага (кундузги) 2004-2007 ўқув йиллари учун 3 ўринга

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Ҳужжатлар 2004 йилнинг 15 ноябридан 15 декабригача (30 кун) қабул қилинади

***Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Мусахонов кўчаси, 78-уй.***
***Телефонлар: (99871) 133-72-01, 133-12-35***



**Вниманию организаций и предприятий!**
**Акционерная компания**
**«УЗКУРИЛИШМАТЕРИАЛЛАРИ»**
**ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЙ ТОРГ (ТЕНДЕР)**

**На поставке электродвигатель и запасных частей для ОАО «Кызылкумцемент»**

| | |
|---|---|
| **ЛОТ 1. Электродвигатель** *типа ДАЗО 1250-6-1000 УХЛ1, 1250 кВт, 1000 об/мин 6кВ 50 Гц.* | *Заказчик ОАО «Кызылкумцемент»* |
| **ЛОТ 2. Запасные части к электродвигателю** *СДС 17-76-12 У4* | |

*Предприятия и организации, выступающие в качестве поставщиков должны соответствовать следующим требованиям: иметь необходимые профессиональные и технические квалификационные данные, обладать финансовыми средствами и другими материальными возможностями, надежностью, опытом и репутацией, обладать гражданской правоспособностью и правомочиями на заключение договора (контракта). Поставляемые материалы должны соответствовать мировым аналогам.*

*Для участия в торгах и приобретения тендерной документации необходимо обратится с запросом к организатору торга — Акционерная компания «Узкурилишматериаллари». Тендерная документация выдается после уплаты не возвращаемой суммы 600 долларов.*

*Источник финансирование за счет собственных средств предприятий заказчиков.*

**ПЛАТЕЖНЫЕ РЕКВИЗИТЫ:**
**АК «Узкурилишматериаллари»**
**Адрес: г.Ташкент, Миракилова 68а**
**Расчетный счет: 20210000200127064001**
**SWIFT BIC: UJSIUZ22, UZPROMSTROYBANK TASHKENT, UZBEKISTAN**
**CHIPS UID: 353886**
**TELEX: 116342TRONUS**
**Валютных счет: 20210840500127064002**
**МФО 00424 город Ташкент**
**Индентификационный номер 200625030**

**КОНКУРСНЫЕ предложения должны быть доставлены организатору торгов по адресу: г.Ташкент, ул.Миракилова 68а. АК «Узкурилишматериаллари»**
**тел: 54-48-39, 152-60-28, факс: 55-77-07, 152-60-28**

Крайний срок представления оферт организатору торгов к дню и часу вскрытия оферт.

Вскрытие оферт состоится через 30 дней после опубликования объявления.



Тошкент молия институти томонидан 1994 йилда Тугалов Джамшид Курбонович номига берилган рўйхат рақами 1589, №133523 сонли Олий маълумот ҳақидаги диплом йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**



**BOSH MUHARRIR:**
**Safar OSTONOV**

**TAHRIR HAY`ATI:**
**Abdulla ORIPOV**
**Asliddin RUSTAMOV**
**Ashur QODIROV**
**Bobir ALIMOV**
**Habib SA'DULLA**
**Norbobo SHAKAROV**
(Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
**Alimqul SULTONOV**
(Bosh muharrir o`rinbosari)
**Andrey ORLOV**
(Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
**Nomoz SA`DULLAYEV**
**To`lepbergen QAIPBERGENOV**
**Muslihiddin MUHIDDINOV**
**Olim MURODOV**
**Abdug'ani MAMASODIQOV**
(Mas'ul kotib)

**MUASSIS:**
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

**BO`LIMLAR:**
**Siyosat, partiya va xalqaro hayot** 133-44-55
**Ma`naviyat va ma`rifat** 133-69-45
**Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot** 133-20-36
**Parlament va huquq** 136-76-21
**Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik** 133-21-43
**Xatlar va ommaviy ishlar** 133-12-56 (Tel. Faks)
**Mas`ul kotib** 133-72-83
**Reklama va e`lonlar** 133-38-55, 133-47-80

**VILOYAT MUXBIRLARI:**
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

**MANZILIMIZ:**
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi:
**Ilhom KAROMOV**

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi:
**Ikromjon ISMOILOV**

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
**Korxona manzili:**
*Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.*

*Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro`yxatga olingan.*
**Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.**
***Hajmi 2 bosma taboq.***



«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.



**Г — 159**
**7259 nusxada bosildi**
t — Тижорат материали
O`zA yakuni — 21.00.
Topshirish vaqti — 21.00.
2 3 4 5 6
**Sotuvda erkin narxda**